

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
1-iyul
CHORSHANBA
№ 53 (13914)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

PREZIDENTIMIZ YOSHLAR BILAN UCHRASHIB,
YANGI TASHABBUSLARNI ILGARI SURDI

Prezident Shavkat Mirziyoyev 30-iyun – Yoshlar kuni munosabati bilan yoshlar bilan uchrashuv o'tkazdi.

Davlatimiz rahbari so'zining avvalida yurtimizdagi barcha yigit-qizlarni bayram bilan samimiy tabrikladi.

– Biz islohotlarimizning ilk kunlaridan yoshlarni qo'llab-quvvatlash, ularning orzu va intilishlarini ro'yogga chiqarishni davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilab olganmiz, – dedi Prezidentimiz.

So'nggi yillarda bu borada mutlaqo yangi tizim yaratildi. Har bir mahallada yoshlar yetakchilari faoliyati yo'lga qo'yildi, yigit-qizlarning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, bandligi, ta'limi, kasb-hunar egallashi va tadbirkorlik boshlashi uchun keng imkoniyatlar ochildi. Har haftaning payshanba kuni "Yoshlar kuni" etib belgilanib, vazirlik va idoralar yoshlar muammolarini o'rganish hamda ularga yechim topishga safarbar etildi.

Amalga oshirilgan ishlar natijasida "Yoshlar haftasi" orqali 1,5 million nafar yoshning muammosi hal qilindi. Yosh tadbirkorlar soni 5 karra ko'payib, 287 mingdan oshdi. Xorijiy tillarni intensiv o'rganayotgan yigit-qizlar soni 3,5 million

nafarga yetdi. Iqtidorli o'quvchi va talabalar nufuzli fan olimpiadalari-da 434 ta, yosh sportchilar xalqaro musobaqalarda 2 ming 245 ta medalni qo'lga kiritdi.

Davlatimiz rahbari bugungi global raqobat sharoitida mamlakatlarning ustunligi, avvalo, bilim, texnologiya va inson kapitali bilan belgilanayotganiga e'tibor qaratdi.

– Bilinglar, endi davlatlar hududi bilan emas, bilimi bilan, aholi soni bilan emas, texnologiyasi bilan, tabiiy boyliklari bilan emas, inson kapitali bilan raqobatga kirishmoqda. Bilim, ilm-fan va tafakkur mahsuli bo'lgan yangi "Bilimlar iqtisodiyoti" hal qiluvchi kuchga aylanib bormoqda, – dedi Prezidentimiz.

Davlatimiz rahbari yoshlarni buyuk ajdodlarimizga munosib voris bo'lishga, Yangi O'zbekistonda Uchinchi Renessans poydevorini yaratishga da'vat etdi.

Uchrashuvda Prezidentimiz O'zbekiston milliy terma jamoasining futbol bo'yicha jahon chempionatidagi ishtirokiga ham to'xtaldi. Futbolchilarimiz kuchli raqiblar bilan o'yinlar orqali katta tajriba oltirgani, Abbos Fayzul-

layev va Eldor Shomurodovning jahon chempionatidagi ilk gollari xalqimizga quvonch bag'ishlagani ta'kidlandi.

– Vatanimiz sharafiga himoya qilgan terma jamoamiz a'zolariga ortiqcha his-tuyg'u bilan e'tiroz bildirish, ulardan ayb qidirish xalqimizga xos ish emas. Aksincha, bugun ularni qo'llab-quvvatlash, ruhini ko'tarish har qachongidan ham muhim, – dedi Prezidentimiz.

Katta g'alabalar hali oldinda ekani, buning uchun bolalar futboliga e'tibor kuchaytirilib, futbol umummilliy harakatga aylantirilib, kelasi yil yanvar oyida Saudiya Arabistonida o'tadigan Osiyo kubogiga tayyorgarlik hozirdan boshlanishi qayd etildi.

Prezidentimiz yoshlarning hayotda munosib o'rin topishi uchun bilim, kasb va texnologiyani eng muhim tayanch sifatida ko'rsatdi.

Shu maqsadda har yili 500 ming nafar o'g'il-qizni zamonaviy kasbga o'qitishga qaratilgan "Kelajak bilimlari ekotizimi" yo'lga qo'yiladi. O'quv markazlari tashkil etish istagidagi yoshlarga yer va davlat obyektlari imtiyozli shartlarda beriladi, zarur infratuzilma davlat hisobidan yaratiladi, markazlarni qurish va jihozlash uchun

kredit stavkasi kompensatsiya qilinadi.

Qo'lida kasbi bor, lekin yangi ko'nikmalarni egallamoqchi bo'lgan yoshlar uchun "kasb vaucheri" joriy etiladi. Har yili 50 ming nafar yoshning zamonaviy kasblarni o'rganish xarajatlari foizsiz ssuda hisobidan qoplanadi. Ehtiyojmand oilalardagi 85 ming nafar ishsiz yoshga xususiy o'quv markazlarida kasb egallashi uchun bepul vaucher beriladi. Shu yilning o'zida bu tizim uchun 120 milliard so'm ajratiladi.

Texnikumlarda xususiy sektor ishtiroki kengaytirilib, litsenziya talablari soddalashtiriladi. Yangi o'quv yilidan xususiy texnikumlarga ham kasbga o'qitish bo'yicha davlat granti ajratiladi. Xalqaro kasb tanlovlari g'oliblari va ularning ustozlari pul mukofotlari bilan rag'batlantiriladi.

Xorijiy tillarni mukammal biladigan 650 mingdan ziyod yoshlar salohiyatidan mamlakatimizning boy tarixi, madaniy merosi, turizm va eksport imkoniyatlarini xalqaro maydonda targ'ib qilishda foydalanish muhimligi ta'kidlandi. Shu maqsadda "raqamli kontent" platformasi ishga tushirilib, har yili 20 milliard so'mdan ajratiladi.

(Davomi 2-sahifada) ►

Toshkent viloyati hokimi Zoir Mirzaevning
ёшлар кўни муносабати билан йўлаган
ТАБРИГИАзиз ёшлар, келажакимиз
бунёдкорлари!

Авваламбор барчангизни, сизларнинг тимсолингизда вилоятимиз ёшларини бугунги кун билан самимий муборакбод этаман!

Бугун жаҳонга тобора кенг очилиб, тараққиёт сари дадил интилаётган, олдига қўйган улкан мақсад ва марралар томон ишонч билан одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг келажакимиз, аввало, сизларнинг билим олишга бўлган интилишингиз, фаоллигингиз ва шижоатингизга бевосита боғлиқдир.

Хурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари билан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ularning ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда камол топиши учун барча шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги йилларда мamlakatимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган мутлақо янги вертикал бошқарув тизими шакллантирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу тизим маҳаллалардаги Президент вакиллари ҳисобланган ёшлар етакчилари орқали минглаб йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ularning бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳаётий масалаларни жойида ҳал қилиш имконини бермоқда.

Айниқса, "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар ягона электрон платформаси" орқали амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасини ўғил-қизларимиз ўз ҳаётида яққол ҳис этимоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон Президентининг ёшларга оид сиёсати

халқро миқёсда тан олиниб, муносиб эътирофга сазовор бўлмоқда.

Қадри ўғил-қизларим!
Бугун вилоятимиз аҳолисининг 1 миллион 542 минг нафардан зиёд қисmini ёшлар ташкил этади. Шундан қарийб 786 минг нафари 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.

Бу рақамларнинг ўзиёқ ёшларга оид давлат сиёсати вилоятимиз учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Янги Ўзбекистонда ёш олимларимиз, спортчиларимиз ва иқтидорли фарзандларимизнинг халқро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Зотан, ҳозир бутун халқимиз катта тарихий воқеа шуқуҳи ва завқи билан яшамоқда, десак хато бўлмайди. Азамат ўғлонларимизнинг ғайрат ва шижоатлари билан халқимизнинг 34 йиллик орузси ушалди, Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор футбол бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этди.

Барчамиз қўриб, гувоҳи бўлаётганимиздек, мундиалда кучсиз жамоанинг ўзи йўқ. Миллий терма жамоамиз жаҳон футболининг қарвонбошилари билан бўлган, ўз сафига мега-юлдузлари жамлаган Колумбия ҳамда Португалия жамоалари билан ҳеч ҳайқилмай, муносиб кураш олиб бордилар.

Бир нарсани тушунишимиз керак – бу уйинлар натижалари қандай бўлганидан қатъи назар биз энг керакли ютуққа аллақачон эришдик! Чунки, Ватанимиз термасининг Жаҳон чемпионатида иштироки орқали бутун дунё ўзбек футболчининг матонатини, ўзбек муҳлиснинг маданиятини, ўзбек халқининг бирдамлигини кўрди!

(Давоми 4-саҳифада) ►

MUKOFOT MUBORAK!

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 29-iyundagi «Mard o'g'lon» davlat mukofoti bilan taqdirlash to'g'risida»gi Qaroriga muvofiq, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarda alohida faollik ko'rsatib, o'zining bilim va qobiliyati, intiluvchanligi, tashabbuskorligi va samarali mehnati bilan Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirish, Yangi O'zbekistonning xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini yanada oshirishga katta hissa qo'shib kelayotgan bir guruh iste'dodli yoshlar davlat mukofoti bilan mukofotlandilar.

Ular orasida Toshkent viloyatidan quyidagilar bor:

Xalmaxanov Aytjan Daniyori o'g'li – Chirchiq olimpiya va paraliimpiya sport turlariga tayyorlash markazi 2-bosqich talabasi

Larin Yevgeniy Alekseyevich – Toshkent davlat tibbiyot universiteti 6-bosqich talabasi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 29-iyundagi "Yoshlar kuni munosabati bilan yurtimizning faol va tashabbuskor yosh avlod vakillaridan bir guruhini mukofotlash to'g'risida" Farmoni muvofiq, mamlakatimizda yoshlarni qo'llab-quvvatlash, ularning davlat va jamiyat hayotidagi faolligini oshirish maqsadida o'zining yuksal azmu shijoati, bilim va salohiyati, iste'dod va qo-

(Mukofotlanganlarning dil so'zlarini 2-sahifada o'qiydiz)

Viloyat
bo'ylab

NURAFSHON shahri markazidagi "Nurafshon Business City" hududida aholiga zamonaviy xizmat ko'rsatishga mo'ljallangan yirik kompleks qurilishiga start berildi. Loyiha doirasida tadbir va to'y marosimlarini o'tkazishga mo'ljallangan tantanalar saroyi, zamonaviy savdo majmualari, restoran, maishiy xizmat ko'rsatish shaxobchalarini barpo etilishi rejalashtirilgan. Ushbu majmua shahar aholisi va mehmonlari uchun yanada qulay infratuzilma yaratishga xizmat qiladi.

QIBRAY tumanida viloyat hokimining birinchi o'rinbosari O.Tursunov rahbarligida aholi va moliyaviy ko'mak olish, yer munosabatlari, kommunal xizmatlar, infratuzilmani yaxshilash hamda ijtimoiy masalalar bo'yicha murojaatlar bo'ldi. 20 ga yaqin masala joyida ijobiy hal etildi. Qo'shimcha o'rganish va muayyan vaqt talab qiladigan 40 dan ortiq murojaatlar yuzasidan mas'ularga aniq topshiriqlar berilib, ijrosi qat'iy nazoratga olindi.

O'RTA CHIRCHIQ tumani hokimi I.Kasimov boshchiligidagi mas'ul korxona va tashkilotlar rahbarlari Toshkent katta avtomobil halqa yo'lining "Gulzor" massivi hududidagi obodonlashtirish ishlari bilan tanishishdi. Tuman hokimi hududdagi tadbirkorlar bilan uchrashib, zamonaviy shaharsozlik me'yorlariga amal qilishni, yo'lining qatnov qismini o'zbohshimchalik bilan egallamaslik, manzarali daraxt ko'chatlari ekish, aholiga qulayliklar yaratish bo'yicha ko'rsatmalar berdi.

OQQO'RG'ON tumanida "Kitoblar marafoni" tashkil etildi. Tadbir "Zarbador" mahalla fuqarolar yig'ini hududidagi kutubxona faoliyatini qo'llab-quvvatlash, kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish hamda aholi, ayniqsa, yoshlar o'rtasida multolaaga qiziqishni oshirish maqsadida o'tkazildi. Jarayonda mahalla faollari, nuroniylar, yoshlar va kitobsevar fuqarolar tomonidan kutubxona fondiga badiiy, ilmiy-ommabop va bolalar adabiyotiga oid kitoblar sovg'a qilindi.



Кибрай туманидаги Uzfermer.uz боғида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда соҳа фахрийлари, марказий нашрларнинг вилоят мухбирлари, вилоятда фаолият юритаётган журналистлар, муҳаррирлар ва блогерлар иштирок этишди.

Байрам тадбири журналист катбининг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг масъулияти ва шарафи ҳақида фикр-мулоҳазалар

билан йўғрилган видеолар ва намоийиши билан бошланди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Зойир Мирзаев

соҳа ходимларини касб байрами билан табриклаб, ularни машаққатли меҳнатларини эътироф этди.

(Давоми 4-саҳифада) ►

ОҲАНГАРОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

▼ Пресс-тур



Вилоятимизда иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, sanoat va қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни кенг жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнларни кенг жамоатчилиikka ҳолис ва ҳаққоний етказиш мақсадида ўтган ҳафтада вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Оҳангарон туманида жойлашган қатор йирик sanoat va ишлаб чиқариш корхоналарига пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб тумандаги кўп тармоқли «Рустам Агро» чорвачилик комплексиди бўлди. Мазкур

корхонада чорвачиликни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш, наслдор молларни парваришлаш, сифатли озуқа базасини яратиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжири йўлга қўйилган. Журналистлар бу ердаги жараёни қўриб, инновацион ёндашувлар билан яқиндан танишдилар.

(Давоми 2-саҳифада) ►



PREZIDENTIMIZ YOSHLAR BILAN UCHRASHIB, YANGI TASHABBUSLARNI ILGARI SURDI

Xorijda ta'lim olayotgan yoshlar bilan ishlash bo'yicha ham yangi tizim yaratiladi. Yetakchi xorijiy oliygo'hlarda o'qiyotgan 14 mingdan ortiq yigit-qiz ta'til davrida yurtimizdagi vazirlik, hokimlik, davlat va xususiy kompaniyalarda amaliyot va stajirovka o'tashi uchun raqamli muloqot platformasi ishga tushiriladi. "El-yurt umidi" jamg'armasi orqali yoshlarni xususiy sektor buyurtmasi asosida ham nufuzli xorijiy oliygo'hlarda o'qitish imkoniyati yaratiladi.

Prezidentimiz oliygoh bitiruvchisini ishga olgan tadbirkorlar uchun yosh mutaxassisga nisbatan daromad va ijtimoiy soliq bir yil davomida 1 foiz etib belgilanishini e'lon qildi. Bu 200 mingga yaqin bitiruvchini ishga joylashtirish uchun muhim rag'bat bo'ladi.

Ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan, harbiy xizmat, migratsiya va jazoni o'tab qaytgan, jismoniy imkoniyati cheklangan yoshlarni qo'llab-quvvatlash uchun "Kafolatlangan birinchi qadam" paketi joriy etiladi. "Ustoz – talaba" dasturi asosida uyushmagan yoshlarga ko'maklashgan talabalar ham rag'batlantiriladi.

Shuningdek, "Yoshlar mini-franshizasi" dasturi ishga tushiriladi. Mahalliy brendlar franshizasini oladigan yigit-qizlarga Yoshlar tadbirkorligi jamg'armasidan 300 million so'mgacha foizsiz ssuda ajratiladi. Bu dasturlar uchun 500 milliard so'm yo'naltiriladi.

Yoshlar uchun kasb va til o'rganish, ishga joylashish, tadbirkorlik bo'yicha xizmatlardan "yagona darcha" tamoyili asosida foydalanish imkonini beradigan Yoshlar xabarlari tashkil etiladi. Ushbu tajriba Surxondaryodan boshlanib, bosqichma-bosqich boshqa hududlarda ham joriy qilinadi.

Davlat boshqaruvida yoshlarga ishonchni kuchaytirish maqsadida 5 ta yo'nalishda "TOP-100" dasturi amalga oshiriladi. G'oliblar mukofotlanib, rahbarlik lavozimlariga tavsiya etiladi. Har bir vazirlik va tarmoq o'z yo'nalishida iqtidorli yoshlarni tanlab, xalqaro tashkilotlarga stajirovkaga yuboradi. Yiliga 2 ming nafar yoshni shunday stajirovkalarga yuborish rejasini ishlab chiqiladi.

Yoshlarni rag'batlantirish va yagona maqsad atrofida birlashtirish uchun "O'zbekiston yoshlar ligasi" platformasi ishga tushiriladi. Unda yoshlarning ta'lim, kasb, tadbirkorlik, ilm-fan va jamoatchilik faoliyatidagi natijalari baholanadi. Yuqori natijaga erishganlarga grant, kontraktga chegirma, kasb vaucheri, imtiyozli kredit, xorijiy stajirovka, kadrlar zaxirasiga kirish va ipoteka bo'yicha imkoniyatlar beriladi.

Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish (Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

tirishda Bank-moliya akademiyasi "aql markazi" sifatida belgilanadi. Akademiyaga tinglovchilari hududlarda tayyor biznes loyihalarni shakllantiradi, Yoshlar tadbirkorligi jamg'armasi esa ularni qulay shartlarda yoshlarga taklif qiladi. Jamg'arma yuqori daromad va ko'plab ish o'rinlari yaratadigan loyihalarga 5 milliard so'mgacha investitsiya kiritadi. Bu tizim kamida 300 ming nafar yoshga o'z biznesini boshlash uchun yo'l ochadi.

Innovatsion startaplarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha ham yangi vazifalar belgilandi.

– Biz 2030-yilgacha iqtisodiyot hajmini 240 milliard dollardan oshirishni reja qilganmiz. Bunga erishish uchun barcha sohalarga yangi g'oya olib kirdigan innovatsion startaplar kerak, – dedi Prezidentimiz.

So'nggi to'qqiz yilda mahalliy startap ekotizimi 15 barobar o'sib, 4 milliard dollardan oshgani, 1 ming 200 dan ziyod istiqbolli startap loyihalari paydo bo'lgani qayd etildi. Endi har bir vazir, tarmoq rahbari va hokim "1 mingta masalaga – yoshlardan 1 mingta yechim" loyihasini ishga tushiradi. Yoshlar ishlari agentligi biznes, axborot texnologiyalari va kreativ iqtisodiyot yo'nalisidagi 100 ta eng yaxshi loyihaga 1 milliard so'mgacha investitsiya kiritadi.

Axborot texnologiyalari va sun'iy intellekt sohasida yoshlar uchun yanada keng imkoniyatlar yaratiladi. "Raqamli hukumat" markazida birinchi superkompyuter klasteri ishga tushirildi, kelgusi yil uning quvvati 3 karrasi oshiriladi. Joriy yilda 20 ta oliygohda sun'iy intellekt laboratoriyalari tashkil etiladi. Yoshlar ushbu imkoniyatlardan bepul foydalanib, hudud va tarmoqlardagi muammolarga yechimlar ishlab chiqadi.

Yangi AT parklar barpo etilishi hisobidan 20 mingdan ziyod yigit-qiz uchun yuqori daromadli ish o'rinlari yaratiladi. "Mening birinchi kompyuterim" dasturi orqali ehtiyojmand oilalardagi 10 ming nafar yoshga noutbuk xaridi uchun yordam ko'rsatiladi.

AT va sun'iy intellekt yo'nalishlarida tahsil olayotgan talabalar uchun "dual ta'lim" kengaytiriladi. "Muhammad al-Xorazmiy" nomidagi davlat stipendiyasi hamda iqtidorli qizlar uchun "Muhandis qizlar" stipendiyasi ta'xis etiladi. Xalqaro olimpiadalar g'oliblariga berilayotgan 1 milliard so'mlik rag'bat sun'iy intellekt bo'yicha xalqaro olimpiada g'oliblariga ham tatbiq qilinadi.

Yoshlar qalbida milliy ruhni mustahkamlash, raqamli makonda milliy kontentni ko'paytirish maqsadida AT parklarda kompyuter va mobil o'yinlar yaratuvchilari uchun inkubatsion markazlar ochiladi. Har yili milliy ruhhdagi kamida 20 ta kompyuter va mobil o'yin yaratish bo'yicha davlat buyurtmasi beriladi.

– Biz yoshlarga yaratib berayotgan imkoniyatlardan hech bir o'g'il-qizimiz chetda qolmasligi kerak, – dedi Prezidentimiz.

Shu maqsadda "Vatan mehri – ijtimoiy tashabbuslar" tanlovi, ijtimoiy xavf guruhidagi bolalarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan "Qanot" loyihasi yo'lga qo'yiladi. "Yoshlar tashabbuslari marafoni"da ilgari surilgan g'oyalarni amaliy loyihaga aylantirish uchun "Tashabbuslar ofisi" tashkil etiladi va bu ishlarga 50 milliard so'm ajratiladi.

Uchrashuvda giyohvandlik va psixotrop moddalar bilan bog'liq jinoyatlar yoshlar kelajagi va millat genofondiga katta tahdid solayotgani ham qayd etildi.

– Bu illatning yoshlarimiz orasida ildiz o'tishiga aslo yo'l qo'ymaymiz, uni tag-tomiri bilan quritmaguncha o'xtamaymiz. Giyohvandlik insonning eng qimmatli boyligi – sog'lig'i, aql-irodasi, orzu-maqсадlaridan ayiradi. Unutmang! Hayot insonga bir marta beriladi. Bunday illatlarga nisbatan murosasiz bo'ling, umrning har bir daqiqasini ezigu ishlarga sarflang! – dedi davlatimiz rahbari.

Prezidentimiz ota-onalarga ham murojaat qilib, farzandning kamol topishi, uning yorqin kelajagi uchun mustahkam poydevor, eng avvalo, oilada yaratilishini ta'kidladi. Ota-onalarni bugungi tez o'zgarib borayotgan murakkab sharoitda farzand tarbiyasiga har qachongidan ham e'tiborli va mas'uliyatli bo'lishga chaqirdi.

Uchrashuvda yoshlar bilan ochiq muloqot ko'lib o'tildi. Ular o'z taklif va tashabbuslarini bildirdi.

Davlatimiz rahbari muloqot yakunida yigit-qizlarni katta marralar sari dadil itilishiga, bilim, kasb va zamonaviy texnologiyalarni puxta egallashga da'vat etdi.

– Men sizlardagi shijoat, bilim-ga tashnalik va yangilikka intilishni ko'rib, doim ruhlanaman. Katta-katta marralar sari olg'a qadam tashlang, o'qing, yangi bilim, yangi kasb va zamonaviy texnologiyalarni egallang, qiyinchilikdan cho'chimang, mehnatdan qochmang! Shuni bilingki, ortingizda sizlarni katta umidlar bilan voyaga yetkazgan ota-onangiz bor, sizlarga bilim va tarbiya bergan, kasb o'rgatgan ustoz va murabbiylaringiz bor, sizlarga hamisha tayanch va suyanch bo'ladigan, ishonadigan va doim qo'llab-quvvatlaydigan Prezidentingiz bor! – dedi Prezident Shavkat Mirziyoyev.

president.uz

Dil izhori



Ozoda YUNUSOVA, «Olmaliq kon-metal-lurgiya kombinati» aksiyadorlik jamiyatining Mis boyitish fabrikasi yan-chish va flotatsiyalash sexi flotatori, "Kelajak bunyodkori" medali sohibasi:

– Ochig'ini aytсам, mukofotlanganim xabarini eshitganimda "Men bu ishonchga munosib bo'la olamanmi?" degan hadikni his qildim. Endi esa bu e'tirof menga yanada ko'proq o'qish, izlanish va mehnat qilish uchun kuch va motivatsiya berdi.


Buning uchun avvalo biz – yoshlarga yaratilayotgan katta imkoniyatlar uchun davlatimiz rahbariga minnatdorlik bildiraman. Bugun yurtimizda yoshlarning ilm olishi, o'z ustida ishlashi, iqtidorini namoyon etishi uchun barcha sharoitlar yaratilgan va yaratilmoqda. Bu e'tibor har birimizni yanada katta maqsadlar sari itilishga ruhlantiradi.

Men ko'p kitob o'qiyman. Kitoblar

mening eng yaqin do'stim, maslahatchim. Kombinatda ishlash barobarida turli kitobxonlik tanlovlarida ishtirok etib kelaman. Hozirda OKMK televideniyesida efirga uzatiladigan "Bir asar mutolaasi" ko'rsatuvini olib borayotganim ham men uchun katta maktab. Unda yangi kitoblarni o'qiy-miz, ular haqida fikrlashamiz, muhokama qilamiz. Bu orqali boshqalarda ham kitobga mehr uyg'otishga hissa qo'shayotganimdan mamnunman.

Faxr bilan ayta olamanki, erishgan har bir yutug'imda kombinatning o'ri juda katta. Bu dargoh men uchun faqat ish joyi emas, balki o'zinni rivojlantirishga yordam bergan ikkinchi oilamdur. Ayniqsa, kombinat xotin-

Aytjan XALMAXANOV, yunon-rum kurashi bo'yicha jahon chempioni, "Mard o'g'lon" davlat mukofoti sohibi:



– Bugun hayotimdagi eng unutilmas kunnardan biri bo'ldi. Mukofotni olar ekanman, avvalo, meni duo bilan ulg'aytirgan buvim, onam va menga ishongan ustozlarim ko'z oldimdan o'tishdi.

Men O'rta Chirchiq tumanidagi Choldor ovulida oddiy qishloq oilasida katta bo'ldim. To'qqiz yoshimda kurash zaliga birinchi marta kirganimda, bir kun kelib Vatanim bayrog'ini jahon chempionatida baland ko'taraman, deb o'ylamaganman. Lekin yurtimga munosib farzand bo'lish orzuim bor edi.

Sport menga katta maqsadlarga osonlik bilan yetishib bo'lmagligini o'rgatdi. Har bir medal ortida minglab mashg'ulotlar, og'riq, charchoq, ko'z

Yevgeniy LARIN, Toshkent davlat tibbiyot universiteti 6-kurs talabasi, "Mard o'g'lon" davlat mukofoti sohibi:

– Yoshlar kuni arafasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga muvofiq "Mard o'g'lon" davlat mukofoti bilan taqdirlanganimdan juda quvondim. Bu e'tirof meni qo'llab-quvvatlab kelgan yaqinlarim, ustozlarim va universitetimiz jamoasi-ning mehnatiga berilgan bahodir.

O'zim tibbiyot sohasiga juda qiziqaman. Angren tibbiyot kollejinii imtiyozli diplom bilan tamomlab, 2020-yilda Toshkent davlat tibbiyot universitetining pediatriya fakultetiga o'qishga kirdim. Ilk kurslardan oq ustozlarimning maslahati va ko'magi bilan ilmiy izlanishlarga kirishdim, xalqaro olimpiadalar va konferensi-



yalarda qatnashdim.

Bugungi kunga qadar 15 ta ilmiy maqola va 5 ta tezis muallifi bo'ldim.

Shuningdek, 22 ta xalqaro olimpiada va ilmiy konferensiyalarda sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritish nasib etdi. Xususan, Sankt-Peterburg davlat pediatriya universitetida o'tkazilgan "Pediatriya kelajagi" xalqaro olimpiadasida jamoamiz bilan birinchi o'rinni egallaganimiz, allergologiya va immunologiya bo'yicha xalqaro olimpiadada g'olib bo'lganim, "Majidov o'qishlari" konferensiyasida eng yax-

qizlar kengashi raisi Malohat Dos-tovadan alohida minnatdorman. Men ilk bor ishga kelganimda juda tortinchoq qiz edim. Hatto odamlar oldida gapirishdan ham uyalandim. Malohat opa mendagi qobiliyatni ko'ra oldi. Doim ishonch bildirdi, qo'llab-quvvatladi, ruhlantirdi. Bugun kamera qarshisida ham, katta auditoriya oldida ham ravon gapiradigan, o'z fikrimni erkin va dadil ayta oladigan bo'ldim. Bunda u kishining mehnatlari katta.

Kombinatdagi ishimni yaxshi ko'raman. Men aynan shu soha bo'yicha tahsil olganman va o'qish davomida bilimlarimni amaliyotda qo'llashga harakat qilaman. Har kuni o'z ustimda ishlab, jamoamiz bilan birga yaxshi natijalarga erishishga intilaman.

Bugun yurtimizda yoshlarga qaratilayotgan e'tiborni o'z hayotimda his qilayman. Shu aniqlik, o'zimizda itilish bo'lsa, bizni qo'llab-quvvatlaydigan davlatimiz bor. Qolgani o'z qo'limizda. Kelinglar, bu imkoniyatlardan unumli foydalanib, Yangi O'zbekistonimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo'shaylik!

bo'yicha jahon chempionligini qaytarish nasib etdi. Zagreb shahrida davlatimiz bayrog'i baland ko'tarilib, madhiyamiz yangraganida Yangi O'zbekiston uchun kurashganimdan faxrlandim. Shuningdek, "Yilning eng yaxshi sportchisi" deb e'tirof etilganimni ham quvonch bilan eslayman.

Bugun "Mard o'g'lon" mukofoti sohibi sifatida barcha yoshlarga bir narsani aytmoqchiman: katta orzulardan qo'rqmang; mehnatdan qochmang. Vatanni sevish so'z bilan emas, amalda isbotlanadi. Agar maqsadingiz aniq bo'lsa, ota-ona duosi va tinimsiz mehnat sizni, albatta, manzilga yetkazadi.

Meni oldinda yana ko'p musobaqalar, sinovlar kutmoqda. Ammo asosiy maqsadim o'zgarmaydi – O'zbekiston bayrog'ini xalqaro maydonlarda yanada baland ko'tarish, xalqimning ishonchini oqlash va "Mard o'g'lon" nomiga munosib bo'lish.

shi taqdimot uchun birinchi o'rinni olganim menga katta kuch va ishonch bag'ishladi.

Ma'lumki, biz – shifokorlar insonlar salomatligi yo'lida xizmat qilamiz. Shu bois bilimimni muntazam oshirish, zamonaviy tibbiyot yutuqlarini o'rganish va ularni amaliyotga tatbiq etishga intilaman. Bo'sh vaqtlarimda esa biologiya fanidan yoshlarga saboq berib, ularning oliy ta'lim muassasalariga tayyorgarlik ko'rishiga hissa qo'shishga harakat qilaman.

"Mard o'g'lon" mukofoti menga yangi marralarni zabt etish, ilm-fan yo'lida chuqur izlanish va Vatanimiz tibbiyoti rivojiga munosib hissa qo'shish uchun yanada rag'bat berdi. Bu ishonchni oqlash, xalqimiz salomatligi yo'lida siddiqdildan xizmat qilish va Yangi O'zbekistonga munosib yetuk mutaxassis bo'lish uchun bor bilim va salohiyatimni safarbar etaman.

ОХАНГАРОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

– Ҳозир комплексимизда 400 га яқин қорамол боқилмоқда, – дейди лойиҳа раҳбари Ўбайдулло Матқулов. – Корхона йилига 100 тоннага яқин гўшт чиқаради. Шу билан тўнгра, сут маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Мажмуанинг умумий ер майдони 472 гектарни ташкил этди, шундан 54 гектари сўғориладиган, 63 гектари лалми ва 355 гектари яйлов ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда паррандачилик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, Венгрия давлатидан 1 кунлик жўжалар олиб келиниб, тухум ва гўшт учун парваришланмоқда. Тovuқ гўшти пойтахтимиздаги савдо нуқталари ва вилоят ҳудудларига етказиб берилмоқда.

Корхонада озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил чорва учун 2 минг 200 тонна махсус ем-хашак тайёрланган бўлиб, таркибига арпа, бўғдой ва бошқа озуқабop экинлар қўшилган. Бунинг учун ҳўжалиқда етарли ер майдонлари ажратилган. Бугунги кунда корхонада 100 нафарга яқин маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

Маълумотларга кўра, туманда қишлоқ ҳўжалиги ерларининг умумий майдони 119 минг гектарни ташкил этади. Шундан 89 минг гектари яйловлар бўлиб, шу бoрвачиликни ривожлантириш учун катта имкониёт яратилди. Ҳозирда туманда қорамолчилик, қўй-эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик йўналишларида 336 та чорвачилик фермер ҳўжалиги ва корхона фаолият юритмоқда. Ушбу ҳўжалиқларга жами 88 минг 703 гектар суви, лалми ва яйлов ерлари бириктирилган.

Журналистларга туманда жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, қорамолчилик соҳасида умумий қиймати 71,8 миллиард сўмлик 20 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, улар доирасида 3 минг 321 бош насли қорамол келтирилиши режалаштирилган. Қўйчилик тармоғида эса умумий қиймати 36,5 миллиард сўмлик 26 та лойиҳа доирасида Мўғулистондан 14 минг 100 бош «Баят» зотли

насли қўй импорт қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, 5,5 миллиард сўмлик иккита лойиҳага кўра, 1 минг 300 бош насли эчки олиб келиш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳалар туманда насличиликни такомиллаштириш, маҳсулдорликни ошириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги манзил «Аxangaranskiy Trubo metallurgicheskiy Zavod» МЧЖ бўлди. Корхонада юқори си-



фатли металл қувурлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологияси занжири намойиш этилди. Журналистлар замонавий автоматлаштирилган ускуналар, маҳсулотларни синовдан ўтказиш лабораториялари ҳамда сифат назорати тизими билан танишди.

Эътиборлиси, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бирга ташқи бозорларга ҳам етказиб берилмоқда. Бу эса sanoat маҳсулотлари экспортини кенгайтириш ва мамлакат иқтисодиётига валюта тушумларини қўпайтиришга хизмат қилмоқда.



Журналистлар «Premier Elektro-tech» МЧЖ таркибидаги замонавий музлаткич ва совутгичлар ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан ҳам танишишди. Уларга энергия тежамкор маиший техника воситалари ишлаб чиқариш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, инновацион технологиялари жорий этиш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Корхонада юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги, рақобатбардошлиги ҳамда ички ва ташқи бозор талабларига жавоб бериши алоҳида эътироф этилди.

Шу куни журналистлар корхона-

лар раҳбарлари ва мутахассислар билан мулоқот қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Бу каби очиқ мулоқотлар sanoat соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка хосис ва ҳаққоний етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, эндиликда Охангарон тумани нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиз sanoat ҳаритасида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Замонавий технологиялар, хорижий инвестициялар, маҳаллийлаштириш дастурлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳудуд иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

НИРОГА ЎРЛОҚОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Мундиаль

КАТТА ФУТБОЛ

БАРЧАМИЗНИ БИРЛАШТИРДИ

2025 йил мустақил Ўзбекистон, шу жумладан, ўзбек футбол тарихида зарҳал из қолдирди: миллий жамоамиз илк маротаба футбол бўйича Жаҳон чемпионати финал босқичига йўл олди. Бу билан миллионлаб мухлисларнинг 34 йиллик орзуси ушалди. МДХ давлатлари орасида бу вазифани фақат Ўзбекистон уддалагани ҳам ютуғимиз салмоғини ифодалайди.

ЙЎЛЛАНМА

Миллий жамоамиз бир неча бор Жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлишига яқин келган. Бир сафар 1 очко, бир гал эса 1 та гол етмай қолган. Ўзбекистон қитъа-нинг кучли олти жамоасидан бири ҳисобланади. Жаҳон чемпионатида чиқиш учун эса шу пайтгача Осиёга 4 – 4,5 та ўрин берилган. Япония, Жанубий Корея, Австралия ва Эрон терма жамоалари мундиалда мунтазам иштирок этиб келаётган бўлса, яримта йўлланма учун Ўзбекистон, Саудия Арабистони, БАА, Қатар ва Ироқ сингари мамлакатлар кураш олиб боришган. Саралашда ҳар гал омад биздан юз ўтирган. 2026 йилги Жаҳон чемпионатида иштирокчилар сони 48 тага ошган, ўз-ўзидан Осиё қитъасига ҳам 8 яримта йўлланма ажратилди. Бу эса кўпгина жамоалар қатори ҳамюртларимиз учун ҳам катта имконият эди. Якунда вакилларимиз бундан фойдаланиб, халқимизнинг азалий орзусини рўёбга чиқаришди.

РАҚИБЛАР

Барчамиз 2026 йил Канада, АҚШ ва Мексикада бўлиб ўтадиган навбатдаги Жаҳон чемпионатини кута бошладик. Утган йили декабрь ойида ўтказилган қўрға натижа-си кўпчиликини ўйлантриб қўйди. Сабаби, бизга ФИФА рейтинг-ида 5-ўринни (айни пайтда 8-ўрин) эгаллаб турган Португалия ва 13-ўринда бораётган (ҳозирда 11-ўрин) Колумбия термалари рақиб бўлган эди. Кейинчалик саралаш босқичида Камерун, Нигерия ва Ямайка сингари кучли рақибларни мағлуб этган Конго Демократик республикаси ҳам гуруҳдошимизга айланди.

Ўзбекистоннинг мундиалга йўл олиши умумхалқ байрамига айланиб кетди. Унга футболдан беҳаб бўлганлар ҳам қўшилди. Улар назарда терма жамоамизнинг кучли ва зафарли одими Шимолий Америка қитъасида ҳам давом этадигандек туюлди. Лекин футболни яхши тушунадиган мухлислар бизни қийин синов кутаётганини сезишарди.

Португалия дунёнинг энг кучли жамоаларидан ва чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Жаҳоннинг энг яхши футболчиларидан бири Криштиану Роналду бошчилигидаги жамоа таркиб-ида Жоау Канселу, Нуну Мендеш, Рубен Диаш, Витинья, Бруну Фернандеш, Бернарду Силва,

Жоау Феликс, Рафаэл Леау сингари машҳур номлар ҳам бор.

Яна бир рақибимиз Колумбия терма жамоаси эса мундиалнинг саралаш босқичида Аргентина ва Бразилия сингари чемпионларни мағлуб этишга муваффақ бўлди. Таркибиди “Реал Мадрид” шарафини ҳимоя қилган Хамес Родригес ҳамда “Бавария”нинг етакчилари-дан бири Луис Диас каби номдор футболчилардан иборат колумбияликлар олти бор Жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этган.


Конго ДР ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун битта фактнинг ўзи етарли: жамоанинг 13 нафар аъзоси жаҳоннинг энг кучли Топ-5 (Англия, Германия, Испания, Италия ва Франция) чемпионатларида фаолият юритади. Таққослаш учун ҳозирда ҳамюртларимиз орасида бундай шарафга фақат Абдуқодир Хусанов сазовор.

МУРАББИЙ

Ўзбекистон Жаҳон чемпионати-га йўлланма олиш учун 8 бор саралаш босқичида иштирок этган бўлса, бу борада 15 га яқин мураббий

ди. Шу сабабдан ҳам, миллий жамоа 2 йил аввал олимпиячилар билан Париж Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган Тимур Кападзегга ишониб топширилди. У ўзига билдирилган ишонч-ни аъло даражада уддалади ва мuddатдан олдин Ўзбекистон терма жамоасини Жаҳон чемпионати-га олиб чиқди!

Лекин ЎФР а х б а р и я т и Жаҳон чемпионати-даки нуфузли мусобақада илк бор иштирок этадиган жамоамиз учун халқаро миқёсдаги тажрибали мутахассис зарур деган хулосага келди ва футболчилик фаолиятида жаҳон чемпиони



фаолият олиб борган. Ниҳоят, сўнгги саралашда биз орзуни рўёбга чиқарадиган мураббийга ёлчидик. Словениялик Сречко Катанец бизни мундиалга жуда яқинлаштирди. Лекин унинг соғлигида жиддий муаммолар юзага келгани сабаб фаолиятини яқунлашга мажбур бўлди. Саралаш босқичида фақат 2 та ўйин қолган ва бу паллада яна хориждан мутахассис қақариш мантиққа тўғри келмасди. Сабаби, у футболимизни тушунишининг ўзига камида ярим йил вақти кетар-

бўлган ҳамда “Олтин тўп” соврини эгасига айланган италиялик Фабио Каннаваро номзодига тўхтади. Шу тариқа жамоамиз мундиалга Каннаваро бошчилигида йўл олди.

ТАРКИБ

Афсуски, турнирга яқин қолганда таркиб борасида жиддий муаммоларга дуч келдик. Асосий ҳимоячимиз Хусниддин Аликулов оғир жароҳат олиб операция столига ётқизилди ва мундиалда иштирок этмаслиги аниқ бўлди. Етакчи футболчиларимиздан бири Жалолiddин Машарипов ҳам жароҳати туфайли 26 талик рўйхатдан жой олмади. Ҳожиакбар Алижонов, Беҳруз Каримов, Одилбек Ҳамробеков, Азиз Ганиевларнинг жароҳатдан тўлиқ фориғ бўлмаганликлари эса уларга ўйинларда бор маҳоратларини намойиш этишга тўсқинлик қилди.

ЎЙИНЛАР

“К” гуруҳидан жой олган миллий жамоамиз юқорида номлари келтирилган рақиблар билан майдонга тушди. Бу ҳаяжонли ўйинларни барча томоша қилганига шубҳа қил-маймиз ва шу боис, улардаги эпизодларга батафсил тўхта-лишнинг ҳолати йўқ. Биз шун-чаки кичик таҳлил ва сабаблар билан чекланамиз.

Гуруҳдаги илк учрашув-и-ми Мексикада Колумбия термасига қарши кечди. Мексикадаги “Ацтека” уйин-гоҳи денгиз сатҳидан 2 минг метр юқорида жойлашгани футболчиларимизга қўш-имча қийинчилик туғ-дирар эди. Колумбия-ликлар Мексикага қўшни давлат бўлгани сабабли, деярли бутун стадион уларни қўллаб-қувват-лади. Мундиалда илк бор иштирок этаётган юртдошларимиз катта босим остида қолди-лар, лекин секин-аста ўзларини қўлга олиш-уддалади-лар.

Одатда учрашув тенг курашлар остида кечаётганда етакчилар ҳал қилувчи сўзни айта-дилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. “Бавария” ҳужумчиси Луис Диаснинг 1-бўлим ниҳоясида зар-гарона узатмасидан сўнг Муньюс жамоасини олдинга олиб чиқди.

Баҳснинг 60-дақиқасида биз-нинг юлдузларимиз ҳам ўз сўз-ларини айтишди. Элдор Шомуродовнинг зарбасини рақиб посбони қийинчилик билан қай-тарди. Қайтган тўпни Аббос-бек Файзуллаев боши билан дарвозага жойлаб қўйди ва ҳисоб-ни тенглашти-риш баробарида Ўзбекистоннинг Жаҳон чемпиона-

тидаги илк гол муаллифи сифати-да тарихдан жой олди.

Афсуски, хурсандчилигимиз узокқа чўзилмади. Орадан 5 дақиқа ўтиб, бу сафар Луис Диас-нинг ўзи дарвозамизни ишғол қилди ва яна жамоасини олдинга олиб чиқди.

Лекин футболчиларимизга қойил қолиш керак, улар тас-лим бўлмади-лар. Ўйиннинг сўнгги дақиқалари тўлиқ жамоа-миз устунлигида ўтди. Лекин якунда тажриба ўз сўзини айт-ди. Ёш ҳимоячимиз Ўрозовнинг оддий хатосидан рақиб унумли фойдаланиб, ўйинга нуқта қўй-ди – 3:1.

Албатта, мағлубият аламли бўлди, лекин футболчиларимиз-нинг номдор рақиб билан тенг ку-рашгани кейинги ўйинларга умид чирогини ёқди.

2-турда бизни янада жиддий рақиб – Португалия кутиб турар-ди. Турнир чемпионлигига асо-сий даъвогарлардан бўлган пор-тугаллар гуруҳдаги илк учрашувда Конго ДР жамоаси билан ку-тилмаганда дуранг қайд этди. Сенса-и-он натижадан сўнг, мураббийлар штаби ва футболчилар қаттиқ танқид қилинди. Ҳат-то Криштиану Роналдуни за-хирага ўтказиш таклифи ҳам янгради. Пор-тугалиянинг на-вбатдаги рақиб билан очко йўқоти-ши гуруҳдан чиқа олмаслик хавфини юзага келтирар эди. Бу эса улар-нинг Ўзбекистонга қарши оч шер-каби этиб келишига сабаб бўлди.

Португалия бутун кучи-ни айнан бизга қарши ташлади ва 5:0 ҳис-о-бида ғалаба қозониш-

га эришди. Ҳатто 41 ёшли Ронал-ду ҳам 2 та гол уришга муваффақ бўлди.

Икки номдор рақибдан учрал-ган мағлубият ҳамюртларимиз-нинг гуруҳдан чиқиш имкониятла-рини 99 фоизга қамайтирганди. Шундай бўлсада биз бор эътибо-римизни Африка қитъаси вакили билан бўладиган баҳсга қаратдик. Бироқ масаланинг битта нозик томони бор эди: 1 очкога эга кон-голиклар ғалаба қозонса кейинги босқич масаласини ҳал этарди. Икки ўйинда ўз дарвозасидан 8 та гол ўтказиб юборган вакилларим-миз эса эса кейинги босқичга йўл олиши учун камида 7 тўп фарқи билан ғалаба қозониши талаб этиларди. Бу амалда деярли им-консизлигини барча яхши тушу-нарди. Лекин Ватан учун, гурур учун улар ҳеч бўлмаганда илк ға-лабани қўлга киритиш мақсадига майдонга тушди-лар.

Учрашувни жамоамиз ҳужум-корлик билан бошлади ва илк дақиқадаёқ дарвозани ишғол қилди. Лекин Элдор Шомуродов ўйиндан ташқари ҳолатда бўлгани сабабли, гол инobatта олинмади. Шунга қарамаддан футболчилари-миз рақибга қаттиқ босим уюштир-дилар ва 10-дақиқада Шомуродов барибир мақсадига эришди. У қийин вазиятда бўлишига қара-масдан, тўпни дарвозага аниқ йўналтиришга муваффақ бўлди. 1-бўлим бизнинг фойдамызга ҳал бўлди, жамоамиз мусобақадаги энг яхши ўйинини ўтказди.

Лекин ўйин тугашига ярим соат қолганда, юқорида келтирилган оми-лимиз, яъни Конгонинг деярли бутун таркиби топ лигаларда тўп суриши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Қисқаси, бир соат давом-и-да шижоат билан ҳаракат қилган футболчиларимизда чарчоқ ало-матлари сезила бошлади ва Евро-пада суяги қотган африкаликлар бундан унумли фойдаланишди. Дастлаб, пенальтидан ҳисобни тенглаштирган конголиклар қол-ган ярим соат давомида яна 2 бор дарвозамизни аниқ нишонга олиб, якунда 3:1 ҳисобида зафар қўчган ҳолда кейинги босқичга йўл ол-дилар. Биз эса мусобақани гуруҳ босқичида яқунлашга мажбур бўл-дик.

ИККИ ТОМОНЛАМА ХУЛОСА

Натижа томонидан қаралганда терма жамоамиз мундиалда жуда ёмон қатнашди: 3 ўйиннинг бар-часида мағлубият, тўплар нисбати – 2:11. Лекин бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Оддий мисол, футболчиларнинг трансфер нархларига эътибор қаратсак, португалияликларнинг умумий қиймати 1 миллиард евро атрофида. Бизнинг футболчи-ларимизнинг умумий нархи эса 85 миллион евро. Унинг ҳам 50 “пимони” Абдуқо-дир Хусановга тегишли, қолган 35 миллион-и бошқа 25 футболчи-га тақсимланган.

Майдонда айнан шу фарқ яққол сезилди. Ўйин суръ-ати, қарор қабул қилиш тезлиги ва айниқса жисмо-ний тайёргар-лик бўйича рақиблар биздан анча устун эди. А й р и м

учрашувларда жамоамизнинг кучи бир бўлимагина етди. Каннаваро иш бошлаганидан бери футболчи-ларнинг жисмоний ҳолати ҳақида қайта-қайта гапиргани ҳам беҳиз эмас экан. Замонавий футболда тактика қанчалик муҳим бўлса, ин-тенсивлик ва чидамлилик ҳам шун-чалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳисобларнинг йирик кўриниш олиши эса дарвозабонлар савияси билан боғлиқ. Колумбия 4 та зар-банинг 3 тасини, Португалия 9 зар-банинг 5 тасини, Конго эса 4 та зар-банинг 3 тасини голга айлантирди. Буни фоизларга тақсимласак қуйи-дагича кўриниш олади: сейварлар фоизи Ўткир Юсуповда 25 фоиз, Абдувоҳид Неъматовда 38,5 фоиз. Демак, дарвозамизга бўлган 68,25 фоиз (17 зарбадан 11 таси) зарба-лар голга айланган.

Ҳозир кўпчилик бу мағлубият-ларда бош мураббий Фабио Каннаварони айбламoқдa. Лекин тан олиш керак, у қўл остидаги бор “ма-саллиқдан” таом тайёрлади. Тўғри, биз йиқилдик, лекин энди ўрнимиз-дан туриб, чангларни қоқиб, яна катта марралар сари интилишимиз керак. Илк маротаба иштирок учун мағлубиятдан фожиа яша шарт эмас. Биринчиси одатда энг қийини бўлади.

Натижа у қадар қувонарли бўл-маса-да, жамоа бундай нуфузли турнирда иштирок этиш орқали катта тажриба орттирди, дунёнинг энг кучли терма жамоаларига қар-ши баҳсларда ўз кучини синая қўр-ди ва ўзбекистонликларга ҳаётида илк бор мундиалда ўз Ватанига мухлислик қилиш имкониятини тақдим этди. Президентимиз таъ-кидлаганидек, байроғимиз энг куч-лилар қаторида хилпиратга туриши-нинг ўзи бизнинг ғалабамиз!

Якунда Жаҳон чемпионати Ўзбекистонга қандай натижалар берди деган саволга рақамлар орқали жавоб берамиз.

– Google Trends маълумотла-рига қўра, Ўзбекистон ҳақидаги интернет қидирувлари 450 фоиз-га ошди;

– халқаро ахборот маконида Ўзбекистон ва миллий терма жа-моа иштироки ҳақида 3 миллион-дан ортиқ материаллар эълон қилинди;

– хорижий OAB, YouTube ва ижтимоий тармоқларда Ўзбекис-тонга оид 3,4 миллиондан ортиқ пост ва видеоматериал жой-лаштирилди;

– “Uzbekistan” сўзи бўйича қи-дирувлар 40 фоизга, “Tourism to Uzbekistan” мавзусидаги қидиру-лар 10 фоизга ошди;

– “Travel Uzbekistan” сўрoви Google Trends шкaласида мак-симал – 100 балл кўрсаткичага эришди;

– Ўзбекистон ҳақидаги мате-риаллар дунёнинг етакчи омма-вий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Катта футбол халқимизни яна-да бирлаштирди. Ўйинлар биз учун нуқулai вақтларда бошланган бўлса-да, учрашувларни кўплаб юртдошларимиз кўчадаги майдон-ларда катта экранларда томоша қилишди. Улар орасида ёшу қари, эркак ва аёл, ҳатто кекса нуроний-лар ҳам бор эди. Тўйхоналарда ни-коҳ базии ёки наҳор ошларда ҳам футбол намойиш этилди, барча-нинг нигоҳи экранларга қаратилди. Шу тариқа, футбол катта куч экани-ни яна бир бор ҳис қилдик.

Аброр ИМОНХҲАЕВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЗОЙИР МИРЗАЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЙЎЛЛАГАН ТАБРИГИ

Дунё спорт жамоатчилиги Ўзбекистон Жаҳон чемпионатида тасодифан келмаганига иқдор бўлди.

Терма жамоамиз сафида вилоятимиз фарзанди Достонбек Ҳамдамовнинг ҳам иштирок этгани биз учун алоҳида мамнуният бағишлайди!

Умуман олганда, жорий йилда ўтказилган жаҳон. Осиё ва халқаро спорт мусобақаларида вилоятимиздан 215 нафар спортчи бокс, оғир атлетика, юнон-рум кураши, дзюдо, эшак ашиш ва тазквондо WT каби спорт турлари бўйича иштирок этиб, 23 та олтин, 41 та кумуш ва 54 та бронза медални қўлга киритдилар.

Бу натижалар юртимизда, хусусан, вилоятимизда спорт соҳасини ривожлантириш, ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий самараларидир.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегияси тасдиқланиб, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжат доирасида Нурафшон шахрига “Ёшлар шахри” мақоми берилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, стартап лойиҳаларни ривожлантириш, уларнинг ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Нурафшон шахрида 5 гектар майдонда замонавий “Ёшлар шахарчаси” барпо этиладиган бўлди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Бу ташаббусларимизнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани хурматли Президентимизнинг Сиз, вилоятимиз ёшларига алоҳида эътибор ва ғамхўрликларининг яна бир ифодаси бўлди.

Ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси сифатида 12 минг нафардан зиёд ёшларга 5 минг гектардан ортиқ унумдор ер майдонлари ажратилганини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, 2025-2026 йиллар давомида 774 нафар ёшга 73 миллиард 871 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, 938 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ташаббуслари билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ёшлар куни” этиб белгилангани

ҳам бу борадаги ишларимизга янги суръат бағишламоқда. Шу куни барча даражадаги раҳбарларнинг ўзлари Сизларнинг олдингизга бориб, муаммо ва масалаларингизни ечишга, орзу-умидларингиз рўёби учун кўмаклашишга ҳаракат қилишмоқда.

Ўтказилган 4 мингдан зиёд ана шундай учрашувларда 80 минг нафардан ортиқ ёшларнинг муносабат ва тақдирларини ўрганилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, 7 минг 119 нафар ишсиз ёшнинг раҳбарларга номма-ном бириктирилиши натижа-сида уларнинг бандлиги таъминланиб, ҳаётий муаммолари ҳал этилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган 2 минг 971 нафар ёшга 8 миллиард

605 миллион сўмлик ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида 295 минг нафардан ортиқ ёш 23 та хорижий тилни ўрганиш имкониятига эга бўлди.

“Ustoz AI” лойиҳаси орқали эса қарийб 46 минг нафар ёш 40 та замонавий касб бўйича билим ва кўникмаларни эгаллади.

Бундан ташқари, “Қизлар академияси” лойиҳасида 62 минг нафардан зиёд, “UzChess” лойиҳасида 43 минг нафар ҳамда “Мутлола” лойиҳасида 181 минг нафардан ортиқ ёш қамраб олинди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида эса 715 минг нафардан зиёд ёш иштирок этиб, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга бўлди.

2025-2026 ўқув йилида мактаб битирувчиларининг 789 нафари муддатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Қувонарлиси, уларнинг 10 нафари жаҳоннинг TOP-50 талик рейтингига кирувчи нуфузли университетларга 100 фоизлик грант асосида талабалikka қабул қилинди.

Азиз ёшлар!

Санайверсак, ютуқларимиз кўп, натижаларимиз талай. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг алоҳида фармон ва қарорлари билан бир гуруҳ ёшларнинг мукофотлагани ва улар ичиде вилоятимиз ёшлари ҳам борлиги бизга катта фахр ва ифтихор бағишлайди.

Хусусан, бир неча бор Халқаро олимпиадалар ғолиби, 2024 йилда

Санкт-Петербургда ўтказилган “Пе-диатрия келажаги” халқаро олимпиадасида 42 та жамоа орасида 1-ўринни эгаллаган ангрелик Ларин Евгений Алексеевич ҳамда Халқаро тоифадаги спорт устаси, юнон-рум кураши бўйича 7 карра Ўзбекистон чемпиони. 2022 йилда Италияда ўтказилган У-17 жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Урта Чирчиқ фарзанди Халмаханов Айтжан Даниёр ўғлининг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлангани – ўйлаймankи барчамизга чексиз қувонч улашди.

Қолаверса, Президент фармони-га кўра, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи флотатори Юнусова Озода Улуғбек кизининг “Келажак бунёдкори” медал-и билан мукофотлангани – вилоятимиз қизларининг нималарга қодир эканини яққол намоён этди.

Фарзандларим!

Барчангиз оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб бораётганингиздек, бугун дунёнинг турли ҳудудларида мураккаб зиддиятлар, қонли тўқнашувлар, сийсий ва мафқуравий қарама-қаршилиқлар кучайиб бормоқда.

Геосийсий вазиятнинг кескинлашуви, турли хавф ва таҳдидларнинг ортиши ҳар бир давлат ва халқдан янада хушёрлик ва бирдамлик талаб этмоқда.

Ана шундай таҳликали бир дав-рда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осейишталик ҳукм сур-

моқда. Юртимизда ҳар куни байрамона муҳит, маънавий-маърифий тадбирлар, концерт ва томошалар, тўй ҳамда қутлуг тантаналар давом этмоқда.

Бу, шубҳасиз, халқимиз қадрлаган энг буюк неъмат – тинчлик ва барқарорлик туфайлидир.

Шу боис биз ана шу бебаҳо неъматни ҳар доим қадрлаб, унга шукроналик билан яшашимиз, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим.

Айниқса, сиз, азиз ёшлар, мамлакатимиз келажакнинг ҳал қилувчи кучисиз. Сизларнинг билимингиз, дунёқарашингиз, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси ва юксак масъулиятингиз Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Бугун сизлар учун яратилаётган имкониятлар, очилаётган кенг йўллар ва амалга оширилаётган ислохотлардан унумли фойдаланиб, ўз олдингизга қўйган юксак мақсадлар сари дадил интилишингиз зарур.

Зеро, мухтарам Президентимиз ёшларга қарата: “Маррани баланд олинг, келажак сизники”, деб катта ишонч билдирганлар.

Сизларни бугунги қутлуг байрам – Ёшлар куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, эзгу орзу ва мақсадларингизга эришиш йўлида куч-ғайрат, шижоат, омад ва улкан зафарлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин!

ЯХШИЛИК ИЗЛАГАН ЖУРНАЛИСТЛАР

– Журналист бу фақат ахборот етказувчи эмас, балки жамиятнинг виждони, ҳақиқат куйчисидир, – деди вилоят раҳбари. – Сизнинг ҳар бир сўзингиз, ҳар бир мақолангиз ортида катта масъулият, инсон тақдир, халқ ишончи ётибди. Бугунги кунда Тошкент вилояти ҳаётида кечаётган ислохотлар, янгиланишлар ва ютуқларни ҳолисона ёритиб, одамларнинг қалбига йўл топаётганингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, иқидий баркамоллик ва каламингиз ўткир бўлишини тилайман.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиклик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги пайтда соҳа ходимларининг масъулияти янада кучайиб, профессионал ёндашув, тезкорлик ва ҳолисаликни талаб этмоқда. Боиси дунё шиддат билан ўзгариб, барча соҳаларда ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш заруратга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

айланган. Бу ўз-ўзидан ҳар бир қалам аҳли олдида янгидан-янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Эндиликда оммавий ахборот воситалари инсон қаддини улуглаш, демократик жамият ва халқларвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стра-



тегиясининг муҳим қисми сифатида фаолият юритишмоқда.

Журналист касби шарафли бўлиши билан бирга оғир юкни ҳам олқасига олади. Ҳақиқатни айтиш, адолатни ҳимоя қилиш, жамиятдаги

муаммоларга бефарқ бўлма-маслик касб эгаларидан катта жасорат талаб қилади. Шу маънода, йил давомида вилоятнинг

телефрадиоканали бошловчиси Нозима Исакова. – Байрам муносабати билан мен ҳам тақдирландим. Албатта, меҳнатинг эътирофи этилиши ёқимли. Аслида, журналист учун энг катта мукофот бу халқ ишончи, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўша олиш ва ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилишдир. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни яна бир бор касб байрамлари билан табриклайман.

Байрам тадбири куй-қўшиқларга уланиб кетди. Та-ниқли санъаткорлар ва ёш хонандалар томонидан ижро этилган қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



телефрадиоканали бошловчиси Нозима Исакова. – Байрам муносабати билан мен

ҳам тақдирландим. Албатта, меҳнатинг эътирофи этилиши ёқимли. Аслида, журналист учун энг катта мукофот бу халқ ишончи, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўша олиш ва ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилишдир. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни яна бир бор касб байрамлари билан табриклайман.

Байрам тадбири куй-қўшиқларга уланиб кетди. Та-ниқли санъаткорлар ва ёш хонандалар томонидан ижро этилган қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

БИТИРУВЧИЛАРГА ОФИЦЕРЛИК УНВОНИ ТОПШИРИЛДИ

Зангиота туманида жойлашган Миллий гвардия жамоат хавфсизлиги университетиде битирувчиларга дастлабки офицерлик ҳарбий унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

▼ Мардлар қўриқлайди, Ватанни!



Тадбирда Миллий гвардия қўмондони генерал-полковник Б.Ташма-тов битирувчиларни дастлабки офицерлик ҳарбий унвони билан табриклади ва келгусидаги хизмат фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, маросимда қатнашган фахрий меҳмонлар ҳам ёш офицерларни қўлаб, уларнинг Ватанга садоқат билан хизмат қилишларига ишонч билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Битирувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари бу қувончли лаҳзаларни биргаликда нишонладилар.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalar
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 23:30. Nashr ko'rsatkichi – 205.

7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6